

A
Ш 34

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЮРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
8.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХОБИДДИНОВ АЛИШЕР ШОПАТХИДДИНОВИЧ

**МЕГАПОЛИС ШАРОИТИДА МОБИЛ АЛОҚА СТАНЦИЯЛАРИ
ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНИ САТҲЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТ
МОДЕЛЛАРИ**

05.04.02 - Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва
қурилмалари. Мобил, тола-оптик алоқа тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РbD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАХОБИДДИНОВ АЛИШЕР ШОПАТХИДДИНОВИЧ

МЕГАПОЛИС ШАРОИТИДА МОБИЛ АЛОҚА СТАНЦИЯЛАРИ
ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОНИ САТҲЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТ
МОДЕЛЛАРИ

05.04.02 - Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобил, тола-оптик алоқа тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PHD/Т83 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назаров Абдулазиз Муминович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдукаюмов Абдурашид
техника фанлари доктори, профессор

Абдуқодиров Алишер Хабибуллаевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.T.07.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил «10» сентябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100200, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шох кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2548 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100200, Тошкент, Амир Темуր шох кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «28» сентябр да тарқатилди.
(2018 йил «14» сентябр даги 3 - рақамли реестр баённомаси)



Р.Н. Усманов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.Н. Рахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Х.К. Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда симсиз алоқа тизимлари орқали турли хилдаги маълумотларни (матн, графика, овоз, видеотасвир) юқори тезликда узатувчи восита ва технологияларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда алоқа тизимлари орқали телефония, интернет, рақамли телевидение, электрон ҳукумат ва бошқа ахборот хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш имкониятлари яратилмоқда. Халқаро электр алоқа иттифоқининг 2017 йил ҳисоботида кўра, «...дунёда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси бўйича Исландия, Жанубий Корея ва Швейцария юқори кўрсаткичларга эришган»¹. Бу борада бир қатор мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Финляндия, Хитой, Жанубий Корея ва Россияда рақамли телевидение, интернет ва мобил алоқа соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда симсиз алоқа каналларининг ҳалақитбардошлиги ва спектрал самарадорлигини оширишга, каналлараро интерференцияни камайтиришга, модуляция тавсифларини такомиллаштиришга, мобил алоқа каналида маълумот узатиш тезлиги ва сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, мобил алоқа тармоқларида радиочастота ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, каналнинг энергетик параметрларини такомиллаштириш, радиоканалнинг тавсифларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, мобил алоқа тармоғи техник воситаларининг параметрларини оптималлаштириш, бир ҳудудда ишловчи кўп сонли радиотехник объектларнинг ўзаро электромагнит мослашганлигини таъминловчи техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Республикамизда рақамли телевидение, интернет, симли ва симсиз алоқа тизимларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш орқали замонавий технологиялар асосида аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...республика ҳудудларида мобил алоқа операторларининг 1843 та база станцияларини ўрнатиш..., ... мобил алоқа операторларининг тармоқлари қамрови ҳудудларини кенгайтириш...»² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан мураккаб архитектурали ҳудудларда мобил алоқа база станцияларининг қамров ҳудудини кенгайтириш, каналнинг тавсифларига таъсир этувчи ташқи омилларни инobatта олиш усулларини ишлаб чиқиш, майдон сатҳларини ҳисобловчи тақсимот моделларини такомиллаштириш ва электромагнит мослашганлик

¹ Халқаро электр алоқа иттифоқи расмий сайти. <http://www.itu.int/net4/ITU-D/di/2017/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

талабларини таъминловчи чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 февралдаги ПК-2126-сон «Мобил алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда мобил алоқа диапазонлари радиотўлқинларининг тарқалиш хусусиятлари, майдон сатҳларининг тақсимот қонунлари ва ҳисоблаш моделлари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган ҳамда етарли даражада назарий ва амалий натижалар олинган. Жумладан, хорижий олимлардан Y. Okumura, E. Ohmori, M. Hata, F. Ikegami (Япония), W. Lee (Хитой), J. Deygout, H. Xia, N. Bertoni (AQШ), C. Giovanelli (Финляндия) ва бошқалар машҳур. Бундан ташқари, бу муаммолар Е.Р. Милютин, Г.О. Василенко, Н.Д. Дымович, П.И. Трифонов (Россия), F. Pallares (Испания), Y. Zhang (Хитой), A. Kuchar (Чехия), G. Wolfle (Германия), M. Haridim, B. Levin (Исроил), A. Davidson, T. Rappaport (AQШ) ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда Д.Н. Ликонцев, Г.Ф. Габзалилов, А.Х. Абдуқодиров, А.А. Нигманов, В.В. Царёвлар ультрақисқа тўлқин диапазони радиотўлқинларининг шаҳар шароитида тарқалиши бўйича математик моделлар, усуллар ва алгоритмларни ишлаб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Ҳозирги кунда мегаполис шароитида 900 МГц диапазони радиотўлқинларининг тарқалиш хусусиятларини таҳлил қилишга, майдон сатҳларининг тақсимот қонуниятларида шаҳар қурилиш архитектурасининг таъсирини инобатга олувчи ва автомобиль туннелларида электромагнит майдоннинг сусайишини ҳисобловчи моделларни ишлаб чиқишга, радиосигналнинг сусайишига об-ҳавонинг таъсирини аниқлашга, радиосигналларни турли тўсиқлардан аксланиш хоссаларини таҳлил қилишга бағишланган илмий изланишлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети

илмий тадқиқот ишлари режасининг А5-038-сон «Радиочастота ресурсларини мобил алоқа тармоқлари томонидан қўлланилишини оптималлаштириш» (2012-2013), 2-сон «Мобил алоқа антенналарини бир таянчда бирлаштириб ўрнатиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2014-2017), 3-сон «Кўчма радионазорат станциялари томонидан мобил алоқа тармоқларининг ишончли қабул зонасини ва сифатини баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш» (2016-2017) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мегаполис шароитида 900 МГц диапазонида мобил алоқа станцияларининг электромагнит майдони сатҳлари тақсимотини ҳисоблаш моделларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент шаҳри архитектурасининг мобил алоқа база станциялари электромагнит майдон сатҳларига таъсирини инobatга олувчи тақсимот моделларини ишлаб чиқиш;

якка баланд бинолар ва жойнинг дўнглигини инobatга олувчи параметрларнинг Тошкент шаҳри учун ишлаб чиқилган тақсимот моделларида қўлланилишини асослаш;

автомобиль туннелларида электромагнит майдоннинг сусайишини ҳисоблаш моделини ишлаб чиқиш;

дифракцияланувчи тўлқин сатҳига бино деворларининг акслантириш хоссалари, том ва бинонинг устки қисмларидаги қор ва муз қатламларининг таъсирини инobatга олиш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шаҳар шароитида 900 МГц диапазонида ишловчи мобил алоқа тармоғи олинган.

Тадқиқот предметини шаҳар шароитида ишловчи мобил алоқа база станциялари майдони сатҳларининг тақсимотини ҳисоблаш моделлари ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида математик таҳлил қилиш, математик статистика, иммитацион моделлаштириш, экспериментал тадқиқ қилиш, мобил алоқа база станциялари майдони сатҳларининг тақсимотини ҳисоблаш усуллари ва алгоритмларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мобил алоқа станцияларининг 900 МГц диапазонида электромагнит майдон сатҳларини ҳисобловчи Окамура-Хата моделлари янги эмпирик коэффициентларни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

Окамура-Хата моделлари электромагнит майдон қийматида якка баланд бинодаги сусайишни ва жой дўнглигининг таъсирини инobatга олувчи коэффициентларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

Икегами модели электромагнит майдон сатҳини аниқлашда об-ҳаво таъсирини киритиш орқали такомиллаштирилган;

автомобиль туннелларида электромагнит майдоннинг сусайишини ҳисоблаш усули тўғрибурчакли тўлқин ўтказгич модели асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари-қуйидагилардан иборат:

мобил алоқа станциялари электромагнит майдони сатҳларини

ҳисоблашда, Окамура-Хата моделида якка баланд бинолар ва жойнинг дўнглиги ҳисобидан юзага келадиган сусайишларни инobatта олиш орқали қабул нуктасидаги электромагнит майдоннинг сусайиш қийматини ҳисобловчи модели ишлаб чиқилган;

экспериментал тадқиқотлар асосида маҳаллий ҳом-ашёдан тайёрланган қурилиш материалларининг тўлқинларни акслантириш қийматлари аниқланган;

автомобиль туннелларида майдон сатҳларининг сусайишини тўғрибурчакли тўлқин ўтказгич модели асосида ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

Икегами моделида бино томини қоплаган қор ва муз қатламларида мобил алоқа сигналларининг сусайишини инobatта олиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида математик таҳлил, математик статистика, радиотўлқинларнинг тарқалиш назарияси, имитацион моделлаштириш усуллари ва алгоритмларидан фойдаланиш асосида назарий ҳисоблашларнинг амалий натижалар билан мутаносиблигига эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент шаҳрида экспериментал тадқиқотлар асосида олинган майдон сатҳларининг сусайиш қонуниятлари олинганлиги, улар мобил алоқа база станцияларини электромагнит мослашганлик нуктаи-назаридан оптимал жойлашувини аниқлашда фойдали эканлиги, Окамура-Хата моделига киритилган, якка бинолар ва рельефнинг дўнглиги ҳисобидан юзага келадиган сусайишларни инobatта олувчи коэффициентлар шаҳар шароитида майдон сатҳини ҳисоблаш аниқлигини ошириши, Икегами модели асосида қор ва муз қатламидаги сусайишларни инobatта олиш усули эркин йўналган кўчада майдон сатҳларини ҳисоблаш имкониятини бериши, туннель деворларининг «самарали солиштирама ўтказувчанлиги» тушунчаси автомобиль туннелларидаги майдон сатҳларининг сусайишини ҳисоблашда деворларининг нотекислиги ва акслантириш хоссаларини инobatта олиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти экспериментал тадқиқотлар асосида маҳаллий ҳом-ашёдан тайёрланган қурилиш материалларининг тўлқинларни акслантириш қийматлари шаҳар шароитида радиосоъяли ҳудудлардаги майдон сатҳини аниқ ҳисоблаши, мобил алоқа тармоғида қувват оқимининг зичлиги 1 мкВт/см^2 дан $2,5 \text{ мкВт/см}^2$ га оширилганда база станцияларининг миқдорини иқтисод қилиш даражаси кўрсатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мегалолис шароитида мобил алоқа станциялари электромагнит майдони сатҳларининг тақсимот моделлари асосида:

мобил алоқа станциялари электромагнит майдони сатҳларини ҳисобловчи такомиллаштирилган Окамура-Хата моделлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги

тасарруфидаги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонасига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 33-8/3733-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида Тошкент шаҳри учун якка бинолар ва рельефнинг дўнглиги натижасида юзага келадиган қўшимча сусайишларни ҳисоблаш имконияти яратилган;

тўғрибурчакли тўлқин ўтказгич модели асосида автомобиль туннелларида сигналларнинг сусайишини ҳисоблаш усули Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонасига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 33-8/3733-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида турли узунликдаги автомобиль туннелларида 900 ва 1800 МГц частота диапазонлари мобил алоқа сигналларининг сусайиш қийматларини башорат қилиш имконияти яратилган;

мобил алоқа сигналларининг тўсиқлардан аксланиш қийматлари ва қор қатламида сусайишини ҳисоблаш усули Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги «UNICON.UZ» давлат унитар корхонасига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги 33-8/3733-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида қор қатламида 900 ва 1800 МГц частота диапазонларида мобил алоқа сигналларининг сусайиш қийматлари, маҳаллий хом-ашёдан ишлаб чиқарилган сариқ ва қизил пишиқ ғиштларнинг электродинамик параметрлари, акслантириш қийматларини инobatта олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 1 таси хорижий, шу билан бирга 2 та республика, 2 та МДҲ журналларида нашр қилинган ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади ва 40 та расм, 13 та жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шаҳар радиоканаллари тавсифларининг таҳлили**» номли биринчи бобида шаҳар шароитида ультрақисқа тўлқинларнинг тарқалиш хусусиятлари ва шаҳар қурилишининг сигнал сатҳига таъсири кўриб чиқилган, тўлқинларнинг кўпнурли тарқалиш хусусиятлари келтирилган. Автомобиль туннелларида электромагнит майдон сатҳларининг тақсимот хусусиятлари кўриб чиқилган. Алоҳида бинолар ва шаҳар қурилишининг электромагнит майдон сатҳларига таъсири баҳоланган. Бунга кўра шаҳар шароитида турли қурилишларнинг мобил алоқа база станцияси (МABS) майдони сатҳининг сўниш қонуниятини ва бино деворларининг акслантириш хоссаларини аниқлаш ҳамда автомобиль туннелларида сигналнинг сусайишини ифодаловчи моделни ишлаб чиқиш лозим.

Шаҳар шароитида майдон сатҳларининг сусайиш модели прототипини танлашда бугунги кунда маълум бўлган детерминистик (дифракцион) ва статистик (эмпирик) моделларни таҳлил қилиш талаб қилинади.

Диссертациянинг «**Шаҳар радиоканалида тақсимот моделлари ва майдон сатҳларини ҳисоблаш**» номли иккинчи бобида шаҳар шароитида майдон кучланганлиги сатҳлари тақсимотининг асосан ҳорижда олинган дифракцион ва эмпирик моделлари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Дифракцион моделларнинг камчилиги сифатида бино ва балкон ўлчамлари, томларнинг шакллари ва кўча кенглигини тўлиқ билиш талаб этилишини айтиб ўтиш лозим. Буни эса худуднинг рақамлаштирилган аниқ ҳаритасисиз инobatга олиш имкони йўқ. Шу билан бирга, дифракцион моделни кўзгалмас қабул нуктасидаги майдон сатҳини ҳисоблаш учун, яъни стационар радиоалоқада қўллаган маъқул.

Эмпирик моделлар майдон сатҳларининг (сусайишларнинг) яқинлаштирилган қийматларини аниқлаш имкониятини беради ва аниқ турдаги шаҳар қурилишида қўлланилиши мумкин. Одатда, эмпирик моделларда ҳисоблаш ифодаларига экспериментал тадқиқот натижасида олинган тузатиш коэффициентлари киритилади.

Дастлабки таҳлиллар асосида, ушбу ишда фойдаланиш учун Окамура-Хатанинг “Уртача шаҳар” учун модели танланган (модель Халқаро электр алоқа иттифоқи томонидан тавсия этилган). Модель шаҳар шароитида узатишдаги йўқотишлар қиймати L ни ҳисоблаш имкониятини беради. Унинг қўлланилиш бўйича параметрлар диапазони қуйидагича: база станциясининг

баландлиги $h_b = 30 \dots 200$ м, абонент терминали антеннасининг баландлиги $h_m = 1 \dots 10$ м ва ҳисоблаш масофалари $r = 1 \dots 20$ км.

$$L = 6875 - 1382 \lg h_b + 27,72 \lg f - (1,1 \lg f - 0,7) h_m + (449 - 6,55 \lg h_b) \cdot \lg r, \text{ дБ}, \quad (1)$$

бу ерда f – тўлқин частотаси МГц бирликда, r – масофа км бирликда.


Бироқ ифоданинг ушбу кўриниши мантиқан тўғри эмас. Чунки ўлчов бирликларига эга бўлган параметрлар логарифмланаяпти. Шунинг учун ҳам, ушбу ифодани қуйидаги кўринишда ёзишни таклиф қиламиз:

$$L = 68,75 - 13,82 \lg(h_b/h_0) + 27,72 \lg(f/f_0) - [1,1 \lg(f/f_0) 0,7] \cdot (h_m/h_0) + [44,9 - 6,55 \lg(h_b/h_0)] \cdot \lg(r/r_0), \text{ дБ} \quad (2)$$

бу ерда h_0 – 1 м га тенг бўлган бирлик баландлиги; f_0 – 1 МГц га тенг бўлган бирлик частота; r_0 – 1 км га тенг бўлган бирлик масофа.

Шунга қарамай, ушбу модель Тошкент шаҳри учун бевосита қўлланила олмайди. Чунки ушбу модель томонидан ҳисобланган натижаларнинг экспериментал тадқиқот натижалари билан солиштирилиши уларнинг қийматлари ўртасида анчагина катта фарқ мавжудлигини кўрсатди.

Адабиётларда келтирилган дифракцион ва эмпирик формулаларнинг тахлили ҳеч бир ҳисоблаш усули об-ҳаво шароитини инobatта олмаслигини кўрсатди. Ёғингарчиликларнинг майдон кучланганлигига таъсирини аниқлаш мақсадида Икегами модели бўйича ифодага муружаат қилинди. Бу ифода кўзгалмас нуқтада, бўйлама йўналган кўчадан бошқа барча кўчаларда, антенналар орасида тўғри кўриниш мавжуд бўлмаган ҳолда майдон кучланганлигини ҳисоблаш имконини беради (1-расм).



1-расм. Қабул нуқтасида майдон сатҳини аниқлаш

Аввалига ёғингарчилик мавжуд бўлмаган ҳолат учун ҳисоб ифодаларини кўриб чиқамиз. Қабул нуқтасида асосий тўлқин сифатида бино томида дифракцияланган тўлқин намоён бўлади. Бу тўлқин бино деворларидан кўп қаррали аксланиш ҳисобига мураккаб тузилишли майдон ҳосил қилади.

Кичик қийматли γ силжиш бурчақлари ҳолатида бино томидаги дифракцияни иккита нурлар, понасимон тўсиқда дифракцияланган нурлар сифатида кўрсатиш мумкин. 1-расмда бино томида дифракцияланган 2 та нур ҳолати кўрсатилган. Понасимон тўсиқда дифракцияланган тўлқиннинг майдон кучланганлиги қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$E = \frac{0,225E_0}{\sqrt{2}} \cdot \frac{\sqrt{\lambda w / \sin \Phi}}{H_3 - h_m}, \text{ В/м}, \quad (3)$$

бу ерда E_0 - эркин фазодаги майдон кучланганлиги, В/м; w - бино деворидан қабул қилувчи антеннагача бўлган масофа, м; Φ - қабул нуқтаси ва кўча йўналиши ўртасидаги бурчак; H_3 - шаҳар қурилишининг баландлиги, м; h_m - абонент терминали баландлиги, м; λ - тўлқин узунлиги, м.

1-расмдан кўриниб турибдики, аксланган тўлқин тўғри тўлқинга нисбатан қуйидаги қийматга кўпроқ масофа босиб ўтади:

$$\Delta r \cong \left[(2B - w)^2 \csc^2 \Phi + (H_3 - h_m)^2 \right]^{0.5} - \left[w^2 \csc^2 \Phi + (H_3 - h_m)^2 \right]^{0.5}, \quad (4)$$

бу ерда B - кўчанинг кенглиги, м.

Қабул нуқтасида майдон кучланганлигини ҳисоблаш ифодаси қуйидаги кўринишга эга:

$$E = \frac{0,871\sqrt{P_s}}{r} \cdot \frac{\sqrt{\lambda w / \sin \Phi}}{(H_3 - h_m)} \cdot \left\{ 1 + 2R \cos \left\{ \theta + (2\pi / \lambda) \times \left[(2B - w)^2 \csc^2 \Phi + (H_3 - h_m)^2 \right]^{0.5} - \left[w^2 \csc^2 \Phi + (H_3 - h_m)^2 \right]^{0.5} \right\} + R^2 \right\}^{0.5}. \quad (5)$$

Келтирилган ифода узатувчи ва қабул қилувчи антенналар орасида тўғри кўриниш мавжуд бўлмаган ҳолатда, кичик қийматли γ ($\gamma < 5 \dots 10^0$) бурчаги қийматлари учун ўринлидир.

Вертикал қутбланишли тўлқин учун бино деворларидан аксланиш қиймати R ни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$R = \frac{\left| \varepsilon_t \sin \alpha - \sqrt{\varepsilon_t - \cos^2 \alpha} \right|}{\left| \varepsilon_t \sin \alpha + \sqrt{\varepsilon_t - \cos^2 \alpha} \right|}, \quad (6)$$

бу ерда $\varepsilon_t = \sqrt{\varepsilon^2 + (60\lambda\sigma)^2}$ - бино деворларининг комплекс диэлектрик сингдирувчанлиги модули қиймати; ε - бино деворининг нисбий диэлектрик

сингдирувчанлиги; σ - бино деворининг солиштирма электр ўтказувчанлиги, См/м; α - бино деворидан аксланиш жойидаги силжиш бурчаги (1-расм).

Тўлқиннинг Φ бурчаги ўзгарганда α нинг қиймати жуда кам ўзгаради, шунинг учун ҳам уни Φ бурчакка боғлиқ эмас дейиш мумкин.

Об-ҳаво шароитининг ўзгариши (ёмғир ва қор) натижасида бино деворларининг комплекс диэлектрик сингдирувчанлиги қиймати ўзгаради ва натижада тўлқиннинг аксланиш коэффиценти модули R ва албатта майдон кучланганлиги қийматлари ўзгаради. Ҳақиқатда бу қийматлар кам ўзгаради. Шунинг учун ҳам қабул нуктасидаги майдон кучланганлигига томда тўпланган қор ва муз қатлами кучлироқ таъсир кўрсатади. Бунда тўлқин том қиррасида дифракцияланишдан аввал, томдаги қор ёки муз қатлаמידан ўтиши керак. Қор ёки муз қатлаמידан ўтишда тўлқин босиб ўтадиган масофа куйидагига тенг:

$$l = S / (\cos \gamma \sin \Phi), \quad (7)$$

бу ерда S - бино томининг кенлиги.

Қор ёки муз қатлами киритадиган сусайишни қўшимча кўпайтма F_{ext} ёрдамида аниқланади:

$$F_{ext} = \exp[-(2\pi/\lambda) \cdot p \cdot l], \quad (8)$$

бу ерда $p = \sqrt{0,5(-\epsilon_n + \sqrt{\epsilon_n^2 + (60\lambda\sigma_n)})}$ - қўшимча параметр, ϵ_n - қор ёки музнинг нисбий диэлектрик сингдирувчанлиги; σ_n - қор ёки музнинг солиштирма ўтказувчанлиги, См/м.

Қор учун $\epsilon_n = 1,4$ ва $\sigma_n = 10^{-3}$, муз учун $\epsilon_n = 3,2$ ва $\sigma_n = 10^{-3}$.

Қор қатлами учун олиб борилган ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, 900 МГц частотада тўлқиннинг қатлам орқали босиб ўтадиган масофаси $l = 10$ м бўлганда $F_{ext} = 0,207$ га тенг бўлади. Демак, майдон кучланганлиги деярли 5 марта, яъни 13,7 дБга камаяди. Муз қатлами учун олиб борилган шу каби ҳисоблашлар $F_{ext} = 0,352$ га тенглигини кўрсатди. Демак, муз қатлами учун майдон кучланганлиги деярли 3 марта, яъни 9,1 дБга камаяди. 1800 МГц частотаси учун амалга оширилган ҳисоблашлар 900 МГц частотага нисбатан кичикроқ натижа кўрсатди.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, ёмғир ёғиши натижасида деворнинг намланиши ҳисобига қабул нуктасидаги майдон кучланганлиги кам ўзгаради. Бу нуктадаги майдон кучланганлигига асосий таъсирни бино томидаги қор ёки муз қатлами киритади.

Диссертациянинг «Мегаполис шароитида майдон тақсимотининг экспериментал тадқиқи ва мобил алоқанинг экологик аспекти» мавзусидаги учинчи бобида 900 МГц диапазонида шаҳар шароитида майдон кучланганлигининг тақсимотини экспериментал тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Бунда тадқиқот ўтказилишидан аввал, шаҳарнинг тадқиқот ўтказиладиган ҳудудлари шартли равишда куйидагиларга бўлинган: ўрта

зичликдаги қурилишли худудлар (тўрт ва беш қаватли бинолар), кичик зичликдаги қурилишли худудлар (бир ва икки қаватли бинолар), бўйлама ва кўндаланг кўчалар (МАБСнинг антеннасига нисбатан олинган). Ўлчаш трассаларини танлашда уларда тўлқинларнинг тарқалиш шартлари ўхшаш бўлишига эътибор берилган.

Ўлчашлар Rohde & Schwarz фирмасининг кўчма ўлчаш комплексида бажарилган.

Ўлчаш вақтини 1 мс ёки 10 мс қийматини танлашда автомобилларнинг 35...40 км/соат ўртача ҳаракатланиш тезлиги ва танловларнинг репрезентативликни қаноатлантириш шартларидан келиб чиқилди.

Қабул нуқтасига бир вақтнинг ўзида кўплаб нурлар тушишини ва уларнинг фазаларини инobatга олиш имконияти йўқлигини ҳисобга олсак, майдон кучланганлигининг тасодикий қиймат эканлиги юзага келади. Шунинг учун ҳам ўлчаш натижаларига ишлов бериш учун ишончлилик интервалини аниқлаш лозим:

$$I_p = (\tilde{E}_{pp} - t_p \sqrt{\tilde{D}/n}; \tilde{E}_{pp} + t_p \sqrt{\tilde{D}/n}), \quad (9)$$

бу ерда \tilde{E}_{pp} - майдон кучланганлигининг ўртача қиймати; \tilde{D} - тасодикий қийматнинг дисперсияси; t_p - ишончлилик интервалининг ярми; n - ўлчашлар миқдори.

Илмий тадқиқотлар учун, танловларнинг репрезентативлигини сақлаган ҳолда, ишончлилик эҳтимоллигининг $\beta = 0,95$ бўлиши етарли. Бунда ўлчашлар сони $n = 60$ бўлганда ишонч интервали $2t_p = 2$ га тенг. Ўлчаш натижаларига ишлов беришда ишончлилик интервалига кирмаган сонлар ташлаб юборилган.

Экспериментал маълумотларга ишлов беришда олинган натижалар ҳисоблаш ифодаларига жорий қилинди ва Тошкент шаҳри учун такомиллаштирилган Окамура-Хата моделлари ифодаларига эга бўлинди.

Тадқиқотлар натижасида якка турувчи баланд бинолар 15...25 дБ миқдоридида кўшимча йўқотиш киритиши аниқланди. Шу билан бирга, худуднинг баъзи жойларида “понасимон тўсиқда кучайиш” ҳодисаси ҳам кузатилди.

Якка турувчи баланд бинолар томонидан киритиладиган йўқотишларни Окамура-Хата моделида инobatга олиш учун L_{hrb} коэффициентидан фойдаланилган. Ушбу коэффициент асосан кичик зичликли худудларда қўлланишга лойиқ.

Маълумки, Окамура-Хата модели квазиясси сирт бўйлаб тарқалаётган тўлқинларнинг сусайишини ҳисоблашга мўлжалланган. Радиотўлқинларнинг шаҳар шароитида тарқалиш хусусиятларини таҳлил қилиш асосида худуднинг дўнглигини инobatга олиш лозимлиги аниқланди. Бунинг учун ушбу ишда Окамура-Хата моделига тузатувчи коэффициент киритилиши тақлиф қилинган.

Жойнинг дўнглигини инобатга олувчи коэффициент қуйдаги кўринишга эга:

$$K_x = A \cdot \Delta h, \text{ дБ}, \quad (10)$$

бу ерда A - эмпирик коэффициент (дўнглик даражаси $\Delta h = 20 \dots 80$ м бўлган жойлар учун $0,2 \dots 0,225$ дБ/м).

Якка турувчи баланд бинолар ва жойнинг дўнглигини инобатга олувчи коэффициентлар билан Окамура-Хата модели ифодаси қуйдаги кўринишга эга бўлади:

- ўрта зичликдаги қурилишли шаҳар ҳудудлари учун:

$$L = -27,55 - 13,82 \lg(h_b/h_0) + 27,72 \lg(f/f_0) - [1,1 \lg(f/f_0) - 0,7] \cdot (h_m/h_0) + [31,9 - 6,55 \lg(h_b/h_0)] \cdot \lg(r/r_0) + L_{hrb} + K_x, \text{ дБ}; \quad (11)$$

- кичик зичликдаги қурилишли шаҳар ҳудудлари учун:

$$L = -32,17 - 13,82 \lg(h_b/h_0) + 27,72 \lg(f/f_0) - [1,1 \lg(f/f_0) - 0,7] \cdot (h_m/h_0) + [25 - 6,55 \lg(h_b/h_0)] \cdot \lg(r/r_0) + L_{hrb} + K_x, \text{ дБ}; \quad (12)$$

- бўйлама кенг кўчалар учун:

$$L = -29,55 - 13,82 \lg(h_b/h_0) + 27,72 \lg(f/f_0) - [1,1 \lg(f/f_0) - 0,7] \cdot (h_m/h_0) + [27 - 6,55 \lg(h_b/h_0)] \cdot \lg(r/r_0) + K_x, \text{ дБ}; \quad (13)$$

- қўндаланг кенг кўчалар учун:

$$L = -27,41 - 13,82 \lg(h_b/h_0) + 27,72 \lg(f/f_0) - [1,1 \lg(f/f_0) - 0,7] \cdot (h_m/h_0) + [37 - 6,55 \lg(h_b/h_0)] \cdot \lg(r/r_0) + L_{hrb} + K_x, \text{ дБ}. \quad (14)$$

Бунда майдон кучланганлиги қуйдаги ифода орқали аниқланади:

$$E = E_0 - L, \text{ дБ}, \quad (15)$$

бу ерда E_0 - эркин фазодаги майдон кучланганлиги.

Маълумки, бино деворлари у орқали тарқалаётган электромагнит тўлқинларга сусайиш киритади. Халқаро электр алоқа иттифоқи (ХЭАИ) нинг маълумотларига кўра ғиштли деворнинг нисбий диэлектрик сингдирувчанлиги $\epsilon = 3,75$, солиштирма ўтказувчанлиги эса $\sigma = 0,038$ См/м га тенг.

Диссертация ишида маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган пишиқ ғиштнинг электродинамик параметрлари тадқиқ қилинди.

Унга кўра қуйдаги натижалар олинди:

- сариқ пишиқ ғишт учун $\epsilon = 2,5$; $\sigma = 0,004$ См/м;

- қизил пишиқ ғишт учун $\epsilon \approx 2,2$; $\sigma = 0,04$ См/м.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, сариқ пишиқ ғиштда тўлқиннинг аксланиши қизил пишиқ ғиштга кўра камроқ.

Деворларнинг тўлқинларни акслантириш хоссалари ϵ ва σ параметрлари қийматларига боғлиқ бўлганлиги сабабли, улардаги аксланиш коэффицентининг модули ХЭАИ тавсияномасида келтирилган қийматга нисбатан сариқ ғиштда 1,41 марта, қизил ғиштда 1,59 марта кам.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган ғиштли деворлардан тўлқинларнинг аксланиши камроқ ва аксинча, сигналларнинг деворлар орқали сингиш даражаси юқорироқ.

Олинган натижалар Икегами модели ёрдамида ихтиёрий йўналишга эга кўчаларда майдон кучланганлигини ҳисоблашда фойдали бўлади.

Бугунги кунда амалда бўлган 0295-11-сонли Ўзбекистон Республикаси Санитария қондалари ва меъёрларида 2011 йилдан буён тўлқин қуввати оқимининг зичлиги (ҚОЗ) 1 мкВт/см^2 дан $2,5 \text{ мкВт/см}^2$ га оширилган.

ҚОЗ нинг 2,5 марта ортиши тўлқиннинг база станциясидан қия тарқалиш масофаси r_n нинг $\sqrt{2,5}$ марта (1,581 марта) ортишини кўрсатади. Тўлқиннинг қия тарқалиш масофаси қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$r_n = 4,472 \sqrt{P_1 \cdot G_1 \cdot \eta_{\text{афт}} \cdot K_\phi^2 \cdot K_r^2 \cdot (F(\phi) \cdot F(\Delta))^2}, \quad (16)$$

бу ерда P_1 - антенна киришидаги қувват, Вт; G_1 - изотроп нурлатгичга нисбатан кучайтириш коэффиценти; $\eta_{\text{афт}}$ - антенна-фидер трактидаги йўқотишлар коэффиценти; K_ϕ - ернинг таъсирини инобатга олувчи кўпайтма; K_r - антеннанинг горизонтал текисликдаги йўналганлик диаграммаси нотекислигини инобатга олувчи коэффицент; $F(\phi)$ - антеннанинг горизонтал текисликдаги меъёрланган йўналганлик диаграммаси қиймати (кучланиш бўйича); $F(\Delta)$ - антеннанинг вертикал текисликдаги меъёрланган йўналганлик диаграммаси қиймати (кучланиш бўйича).

Қия тарқалиш масофаси r_n тўлқиннинг горизонтал тарқалиш масофаси r дан кўп фарқ қилмаслигини (одатда 15...20 %) инобатга олсак, ҚОЗ нинг 2,5 марта ортиши ҳисобидан қия тарқалиш масофасининг 1,26...1,34 марта ортишини ҳисоблашимиз мумкин. Бунда база станциясининг қамров ҳудуди 1,6...1,8 марта ортади. База станциясининг нурлатиш қуввати унинг трафикага боғлиқлигини ҳисобга олсак (трафик ўртача 50 % га тенг) 900 МГц диапозони учун амалдаги база станциялари микдорини икки марта қисқариши мумкин. Бунда база станцияларининг янги жойлашув нуқталарини аниқлашда, ушбу диссертацияда тақлиф этилаётган такомиллаштирилган Окамура-Хата моделини қўллаш мумкин.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 900 МГц диапозонида 400 дан ортиқ база станциялари мавжудлигини инобатга олсак, станциялар иқтисоди 200 донани ташкил қилишини таъкидлаш мумкин. Келтирилган фикрлар абонентларнинг шаҳардаги зичлигини ҳисобга олмайди. Шунинг учун ҳам база станцияларининг иқтисоди 100 донани ташкил қилиши мумкин. Ҳар бир

база станциясининг бир секторида 3 дона ишчи частота ишлатилишини эътиборга олсак, жами 900 дона частота иқтисод қилиниши келиб чиқади. Бу турдаги чора-тадбирлар шаҳарда электромагнит шароитни анча яхшиланишига олиб келади.

Диссертациянинг «Туннелларда ва ишончсиз қабул жойларида мобил алоқани ташкил қилиш масалалари» номли тўртинчи бобида автомобиль туннелларида ва ишончсиз қабул жойларида мобил алоқани ташкил қилишнинг ўзига ҳос хусусиятлари кўриб чиқилган.

Куйида тўғрибурчакли автомобиль туннелларида сигналларнинг сусайиши кўриб чиқилган. Маълумки, ультрақисқа тўлқинлар туннелларда тарқалганда кучли сусаяди. Метрли тўлқин диапазони узун (300 м гача) туннелларда радиоалоқани ўрнатиш учун фақатгина ретрансляторлар ёрдамида қўлланилиши мумкин. Бироқ дециметрли тўлқин диапазонида туннеллар тўлқинлар учун канал ҳосил қилиш хоссасига эга ва бунинг натижасида дециметрли тўлқинлар метрли тўлқинларга нисбатан анча яхши тарқалади.

Туннелларнинг ўлчамлари чегараланганлиги сабабли, турли радиоқурилмаларни фазовий ажратиш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун туннелларда электромагнит мослашув масалалари жуда ҳам муҳимдир. Бунда туннелларда сигналларнинг сусайишини ҳисоблаш долзарб масалага айланади.

Аввалроқ, қатор олимлар томонидан майдон сусайишини ҳисоблашда туннелни думалоқ шаклдаги диэлектрик тўлқин ўтказгич сифатида тасвирлаш ва геометрик оптика қонунларини қўллаш уринишлари амалга оширилган. Бу ёндашув туннель деворлари электродинамик параметрларининг диэлектрик муҳитдан фарқ қилганлиги сабабли бироз ноўрин.


Ушбу ишда, тўғрибурчакли шаклга эга автомобиль туннелларида унинг деворлари темир-бетондан тайёрланганлигини инобатга олиб, майдон сусайишини деворлари яримўтказгич хоссасига эга бўлган тўғрибурчакли тўлқин ўтказгич модели асосида ҳисоблаш усулини таклиф қилмоқдамиз.

Туннельдаги ҳисоблашларни унификациялаш учун туннель деворларининг «самарали солиштирма ўтказувчанлик» $\sigma_{сам}$ параметри киритилган. Бу параметр туннель деворларининг ўтказувчанлик хоссалари ва нотекислигини инобатга олади.

Тўғрибурчакли металл тўлқин ўтказгичда сусайиш коэффициентини ҳисоблаш ифодасини асос сифатида олиб ва унга юза қаршилиги қийматини қўйиб, «самарали солиштирма ўтказувчанлик» $\sigma_{сам}$ ифодасига эга бўламиз:

$$\sigma_{сам} = \frac{2,512}{\lambda \cdot \alpha^2 \cdot b^2 \cdot \left[1 - \left(\frac{\lambda}{2a}\right)^2\right]} \cdot \left[1 + 2 \frac{b}{a} \left(\frac{\lambda}{2a}\right)^2\right]^2, \frac{СМ}{М}, \quad (17)$$

бу ерда α - чизикли сусайиш, λ - тўлқиннинг кўнгли, м; b - туннель баландлиги, м.



«Самарали солиштирма ўтказувчанлик» $\sigma_{сам}$ параметрини билган ҳолда, туннелдаги чизиқли сусайиш қийматини қуйидаги ифодадан ҳисоблаш мумкин:

$$\alpha = \sqrt{2,512 \cdot \left[1 + 2 \frac{b}{a} \left(\frac{\lambda}{2a} \right)^2 \right]^2 / \left\{ \sigma_{сам} \lambda b^2 \left[1 - \left(\frac{\lambda}{2a} \right)^2 \right] \right\}}, \text{ дБ/м.} \quad (18)$$

Сусайиш коэффициентини α ни туннель узунлигига кўпайтириш орқали радиотўлқиннинг туннелдаги сусайиш қийматини ҳисоблаш мумкин.

Агар тадқиқ қилинаётган туннель бўйича экспериментал ўлчаш натижалари мавжуд бўлмаса, α нинг тахминий қийматини нашрларда келтирилган сусайиш қийматларидан аниқлаш мумкин бўлади. Келтирилган сусайиш қийматларини туннелнинг узунлигига бўлиш орқали сусайишнинг чизиқли қиймати аниқланади. Сўнгра (17) ифодага туннелнинг ўлчамлари ва чизиқли сусайиш қийматини қўйиб, «самарали солиштирма ўтказувчанлик» $\sigma_{сам}$ қийматини аниқлаш мумкин.

Диссертация ишида, $\sigma_{сам}$ нинг қийматини аниқлаш учун аввалига Линкольн (АҚШ) даги 7,6x4,3 м ўлчамлардаги туннелда 153, 300, 600, 980, 2400, 6000 ва 11215 МГц частоталарда Zhi Sun ва Ian F. Akyildiz томонидан ўлчанган қийматлардан фойдаланилди. Ҳисоблашлар натижалари «самарали солиштирма ўтказувчанлиги» $\sigma_{сам}$ нинг қуйидаги экспоненциал функция орқали аппроксимацияланишини кўрсатди:

$$\sigma_{сам} = -9769,9 + 9260,3 \cdot \exp(1,3011 \cdot 10^{-4} f), \text{ См/м,} \quad (19)$$

бу ерда f - тўлқин частотаси, МГц.

Юқоридаги ифода ёрдамида туннелдаги чизиқли сусайишни ҳисоблаш осон.

Диссертация ишида Тошкент шаҳридаги иккита туннелларда майдон кучланганлигининг сусайишини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Сигнал манбаи сифатида туннель киришига энг яқин жойлашган база станцияларидан фойдаланилди.

Шу ҳолат аниқландики, 1800 МГц диапазонда сигналнинг туннель ичкарисидаги қиймати 900 МГц диапазондагига нисбатан юқорирак бўлди.

Экспериментал тадқиқот натижаларига ишлов бериш натижасида туннелдаги чизиқли сўнишнинг қийматлари 900 МГц диапазонда $\alpha = 0,03$ дБ/м, 1800 МГц диапазонда $\alpha = 0,025$ дБ/м га тенглиги аниқланди.

Шунга кўра, туннелларда мобил алоқани ташкил қилишда ҳар 100 м масофада сигнал 900 МГц диапазонда 3 дБга, 1800 МГц диапазонда 2,5 дБга камаяди. Шуни таъкидлаш керакки, «Бунёдкор» кўчаси бўйлаб Тошкент Давлат Цирки яқинида жойлашган туннелдаги эксперимент натижасига кўра сусайиш қиймати ҳисоблашлардан ўртача 10...15% кичик чиққан. Бу эса туннелнинг ичига юқоридан сигналнинг сингиши сабабли кузатилган. «Кичик ҳалқа йўли» бўйлаб «Шимолий вокзал» яқинида жойлашган туннелдаги α нинг натижалари фарқи 5% дан ошмаган.

Тавсиялар сифатида шуни айтиб ўтиш мумкинки, агар туннельда мобил алоқа сигналлари етарли даражада бўлмаса, туннель ичида ретрансляторлар ўрнатиш мумкин. Шу билан бирга, туннель яқинида база станциясини ўрнатишда антенналарнинг бир секторини туннель йўналиши билан мос равишда жойлаштириш мумкин.

Агар туннельларнинг узунлиги бир неча юз метр бўлса, мобил алоқани ташкил қилиш учун туннель ичига кичик ҳудудга хизмат кўрсатувчи база станцияларини ўнатиш ва уларни вентиляция шахталарига жойлаштириш лозим. Ушбу модель ва тавсиялардан метрополитен туннельларида майдон сусайишини ҳисоблашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Диссертация ишида ишончсиз қабул ҳудудида мобил алоқани ташкил қилиш бўйича ретрансляторлар, кабелли алоқа линиялари, радиоузайтиргич антенналар ва алоқа тўйнуғига эга ёпиқ турдаги узатиш линияларидан фойдаланиш йўллари кўриб чиқилган. Асосий эътибор радиоузайтиргич антенналарга қаратилган. Ушбу ишда автомобиль трассаларида қўллаш учун бир тизимга бирлаштирилган иккита «тўлқин каналли» антенналардан ташкил топган кўндаланг нурланишли антенна панжараларининг тавсифларини электродинамик моделлаш натижалари келтирилган. Антенналарнинг таянчга маҳкамлаш бўғини таклиф қилинган. Шу билан бирга, иккита панелли антенналарни ягона панжарага бирлаштириш натижасида ҳосил бўладиган антенна панжараси тавсифлари экспериментал ўлчанган.

Бино ичида стационар мобил телефон ёрдамида алоқани ўрнатишда аппаратнинг телескопик қозиксимон антеннасининг фазодаги жойлашуви катта аҳамият касб этади. Бино ичидаги вертикал E_z ва горизонтал E_y тўлқинларнинг майдон кучланганлиги қийматларини синов ўлчашлар натижалари шуни кўрсатдики, улар ўзаро деярли корреляцияланмаган, яъни қиймат жиҳатидан бир-бирига боғлиқ эмас. Қутбсизланиш коэффиценти катта қийматларда ўзгариб, антеннанинг ойнага нисбатан жойлашувига, ҳонадаги мебель ва одамларнинг жойлашувига боғлиқ бўлди.

Ўтказилган ўлчашлар натижаларига кўра телескопик қозиксимон антенна вертикалга нисбатан $35...55^\circ$ бурчак остида жойлашганда ҳонадаги буюмларнинг ва одамлар ҳаракатининг сигнал сифатига таъсири энг кам бўлди.

Демак, бино ичида стационар аппаратда сифатли алоқани таъминлаш учун ушбу тавсиялар фойдали бўлади.

ХУЛОСА

«Мегаполис шароитида мобил алоқа станциялари электромагнит майдони сатҳларининг тақсимот моделлари» мавзусидаги диссертация бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Шаҳар шароитида 900 МГц диапазони радиотўлқинларининг тарқалиш тавсифлари таҳлил қилинди. Бу радиотўлқинлар тарқалишининг асосий қонуниятларини аниқлашга хизмат қилади.

2. Шаҳар қурилиш тавсифини (ўрта зичликдаги қурилишли ҳудудлар, кичик зичликдаги қурилишли ҳудудлар, кенг бўйлама ва кўндаланг кўчалар) инobatта олувчи Окамура-Хата моделлари ишлаб чиқилган. Бу моделлар мобил алоқа тармоғини оптималлаштиришда база станцияларининг миқдорини қисқартириш, электромагнит ҳолатни яхшилаш ва экологик ҳавфсизликни ошириш имконини беради.

3. Мобил алоқа сигналларининг майдон сусайиш қийматиға якка турувчи баланд бинолар киритадиган таъсири аниқланган. Бу қабул нуқтасида сигнал сатҳини башорат қилиш имконини беради.

4. Маҳаллий хом-ашёдан тайёрланган пишиқ ғиштларнинг электродинамик параметрлари аниқланган. Ушбу ғиштлардан аксланишнинг Халқаро электр алоқа иттифоқи тавсияларидаги аксланиш қийматларидан фарқи кўрсатиб берилган.

5. Ихтиёрий йўналишга эга кўчадаги майдонни ҳисоблашда бино томини қоплаган қор ва муз қатлами томонидан киритиладиган сусайиш таъсирини инobatта олиш усули таклиф қилинган. Бу қабул нуқтасида майдон кучланганлигини ҳисоблаш аниқлигини ошириш имконини яратади.

6. Автомобиль туннелларида сигналларнинг сусайишини яримўтказгич деворли тўғрибурчакли тўлқин ўтказгич модели ёрдамида ҳамда «самарали солиштирама ўтказувчанлиги» тушунчаси асосида ҳисоблаш усули таклиф қилинган. Ушбу модель ёрдамида автомобиль ва метрополитен туннелларида майдон сусайишини ҳисоблаш имконини беради.

7. Диссертация иши натижаларининг жорий этилишидан кутилаётган умумий иқтисодий самарадорлик 50 млн. сўмни ташкил этади.

8. Диссертацияда келтирилган материаллар «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси, «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси, «ALOQALOYIHA» давлат унитар корхонаси, мобил алоқа операторлари ва ТАТУ ўқитувчиларига «Симсиз алоқа тизимларида антенналар ва радиотўлқинларнинг тарқалиши» фанини ўқитишда фойдали бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ШАХОБИДДИНОВ АЛИШЕР ШОПАТХИДДИНОВИЧ

**МОДЕЛИ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ УРОВНЕЙ ЭЛЕКТРОМАГНИТНОГО
ПОЛЯ СТАНЦИЙ МОБИЛЬНОЙ СВЯЗИ В УСЛОВИЯХ
МЕГАПОЛИСА**

05.04.02 - Системы и устройства радиотехники, радионавигации, радиолокации и
телевидения. Мобильные, волоконно-оптические системы связи

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/T83.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ТУИТ (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Назаров Абдулазиз Муминович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдукаюмов Абдурашид
доктор технических наук, профессор

Абдукадыров Алишер Хабибуллаевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Акционерная компания «Узбектелеком»

Защита диссертации состоится « 10 » июля 2018 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100200, г. Ташкент, проспект Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада Ал-Хоразми (регистрационный номер № _____). (Адрес: 100200, г. Ташкент, пр. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2018 года.)



Р.Н.Усманов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Б.Н.Рахимов
Учленый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент

Х.К.Арипов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется особое внимание разработке средств и технологий высокоскоростной передачи данных различных видов информации (текстовой, графической, голосовой, видео) по системам беспроводной связи. В данном направлении создаются условия для повышения эффективности оказания услуг через системы связи, таких как телефония, интернет, цифровое телевидение, электронное правительство и другие. В отчете Международного союза электросвязи за 2017 год отмечено, что «...по индексу развития информационно-коммуникационных технологий в мире Исландия, Южная Корея и Швейцария достигли высоких показателей»¹. В этом направлении, в частности, в США, Японии, Великобритании, Франции, Германии, Финляндии, Китае, Южной Корее и России уделяется особое внимание развитию таких отраслей, как цифровое телевидение, интернет и мобильная связь.

В мире ведутся научные исследования, направленные на повышение помехоустойчивости и спектральной эффективности, снижение межканальной интерференции, совершенствование модуляционных характеристик, повышение скорости передачи информации и качества беспроводных каналов связи. В этом направлении, в частности, повышение эффективности использования частотных ресурсов, совершенствование энергетических параметров, разработка методов оценки характеристик радиоканалов, оптимизация параметров технических средств сети мобильной связи, разработка технических мероприятий по обеспечению электромагнитной совместимости радиотехнических объектов, расположенных близко друг другу считается одной из важных задач в мире.

В республике проводятся мероприятия по совершенствованию системы оказания услуг населению посредством уделения особого внимания развитию цифрового телевидения, интернета, проводных и беспроводных систем связи. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены ряд задач, в том числе «...установка 1843 базовых станций и расширение зон покрытия сетей мобильной связи по всей республике»². В реализации этих задач, в том числе, расширение зон покрытия базовых станций мобильной связи в условиях сложной архитектурной застройки, разработка методов учета влияния внешних факторов на характеристики радиоканала, совершенствование моделей расчета распределения уровней поля и разработка требований по обеспечению электромагнитной совместимости считаются одной из важных задач.

¹ Официальный сайт Международного союза электросвязи. <http://www.itu.int/net4/ITU-D/idi/2017/>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 февраля 2014 года №ПП-2126 «О мерах по организации деятельности национального оператора мобильной связи», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 марта 2018 года №185 «О мерах по дальнейшему улучшению качества услуг связи, информатизации и телекоммуникаций», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. За последние годы проведены научные исследования по особенностям распространения радиоволн диапазонов мобильной связи, по закономерностям распределения уровней поля и моделям расчета и получено большое количество теоретических и практических результатов. В частности, из зарубежных ученых известны Y. Okumura, E. Ohmori, M. Hata, F. Ikegami (Япония), W. Lee (Китай), J. Deygout, H. Xia, H. Bertoni (США), C. Giovanelli (Финляндия) и другие. Кроме них, эти проблемы изучены в работах Е.Р. Милюткина, Г.О. Василенко, Н.Д. Дымовича, П.И. Трифонова (Россия), F. Pallares (Испания), Y. Zhang (Китай), A. Kuchar (Чехия), G. Wolfle (Германия), M. Haridim, B. Levin (Израиль), A. Davidson, T. Rappaport (США) и других.

В Узбекистане свой вклад в разработку математических моделей, методов и численных алгоритмов расчета распределения уровней поля диапазона ультракоротких волн внесли Д.Н. Ликонцев, Г.Ф. Габзалилов, В.В. Царев, А.Х. Абдукадыров, А.А. Нигманов и др.

В настоящее время не достаточно изучены результаты научных исследований, посвящённых анализу особенностей распространения радиоволн диапазона 900 МГц, разработке моделей, учитывающих влияние городской архитектуры на уровни поля, разработке моделей расчета ослабления поля в автомобильных туннелях, влиянию погодных условий на уровни поля и отражающим свойствам различных преград.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов, согласно плану научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий №А5-038 «Оптимизация использования радиочастотного ресурса сетями мобильной связи» (2012-2013), №5/16 «Разработка технологии совместной установки антенн мобильной связи на одной опоре» (2014-2017), №3 «Исследование

методик оценки зоны уверенного приёма и качества обслуживания сетей мобильной связи передвижными станциями радиоконтроля» (2016-2017).

Целью исследования является совершенствование моделей расчета распределения уровней поля станций мобильной связи диапазона 900 МГц в условиях мегаполиса.

Задачи исследования:

разработка моделей, учитывающих влияние архитектуры г. Ташкента на распределение уровней электромагнитного поля станций мобильной связи;

